

Байрамлар ичида тавҳари ~ Наврўз!



Мушоира

ЯНГИ КУН

Бир кечада гуллади ўрик,
Бир кундузда тебранди ҳаво.
Юрагимдан чиқди югуриб,
Туни тонга улаган наво.

Бу тонг чорбоғ чорлайди маъсум
Димоғимга ифрор уфуриб.
Менга қараб қилар табассум
Мажнунтоллар сочини ўриб.

Кўм-кўк, оппоқ, ям-яшил... — Ватан,
Еру осмон гулларга тўлиб,
Кўз ўнгимда яшнайди ҳажон
Ўзбекистон байроғи бўлиб!
Рустам МУСУРМОН.

ТАРОНА

Қорли тоғлар кўрсатса-да қаршилиқ,
Ўлкамизга етиб келди яшиллик.
Ҳар эшикни йўқлаб чиқди яхшилиқ,
Табиатнинг айёмисан, Наврўзим,
Ийлбошининг саломисан, Наврўзим!

Дов-дараклар келин мисол турланар,
Аргимчоқлар солиб учар турланар,
Адирларда кумуш жилга нурланар,
Табиатнинг айёмисан, Наврўзим,
Ийлбошининг саломисан, Наврўзим!

Уфқларни туташтирди камалак,
Қозонларда қайнар ҳалим, сумалак.
Қизларзоннинг сочларида жамалак,
Табиатнинг айёмисан, Наврўзим,
Ийлбошининг саломисан, Наврўзим!

Кўзга суртдинг олиб гўра: Омонлик!
Шу кунларга етдик жўра: Омонлик!
Эл-у юртга тагин сўра: Омонлик!
Табиатнинг айёмисан, Наврўзим,
Ийлбошининг саломисан, Наврўзим!
Асрор МҰМИНОВ.

БАҲОРНИНГ ЭРКАСИ

Аёзли дамлардан чиқдик биз омон,
Булбуллар ошиқар гулшанлар томон
Тақдирда баҳорга етмаслик ёмон,
Баҳорнинг эркаси — асалом, Наврўз.

Мусаффо тонгларда файзу-барака,
Сохиқор, деҳқонлар қичар далага,
Қўшиқлар уланар наво, яллага
Баҳорнинг эркаси — асалом, Наврўз.

Замину, самода покланиш фасли,
Тупроққа уруғлар қадалар гаштли,
Бу кунга етмоқлик бахт эрур асли,
Баҳорнинг эркаси — асалом, Наврўз.
Рўзимат ДАМИНОВ.

КЎЗ ОЧИБ КЎРГАНИМИЗ

«АЗИМ ОТАНИНГ ГУРУНГЛАРИ» ТУРКУМИДАН

Сирдарёлик Азим ота ҳақда эшитганимиз бор. Хув бирда у билан қилган гурунгимизнинг бир чимдимини сизини таважжўҳингизга ҳам етказган эдик.

Биласиз, қишлоқда баҳорнинг илмилик эпкини эсар-эсмай, тирик жон борки гимирлаб қолади. Дала тавфиқли эди Худо раҳмат кўриб, ёнида тигирчилик турибди. Кейин биласиз, у қалпоқлик катталардан экан. Хаммадан бирма-бир, «рўзамисан» деб сўраб чиқди. Сўнг раиснинг қўлига бир коса сув тутқазиб, рўза тутганларнинг хаммасига ичириб чиқасан, деди. Раис қалтирайди, дегин. Узим рўздор эди-да. Йўқ, охири чиқолмади. «Мани ишдан олиб ташланг, катта ака» деб шартта кетворди. Катта ҳай-ҳайлаганича қолди. Э, шундан кейин шўрликни хўп обориб-опкелишти. Ишдан ҳайдашди.

Бунисиям майли. Шу кунги кечкурун Адолат момоникида хотинлар сумалак қилаётган экан. Иттифоқо, ўша «катта» шаҳарга қайтаётиб, ҳовли ёнидан ўтиб қолибди. Уйин-қулги, қий-қувдан сергак торган катта ҳовлига кирибди. Карасани, дошқозонда сумалак қайнаб турибди. Атрофда хотин-халаҳ, бола-бақра. Бирдан жазаваси тутиб, ўрисча нималарнидир қулдираб (фақат «чўрт» деган сўз хотинларнинг эсида қолибди), шопиринга бир қозон сумалакни тўктириб ташлабди. Бугдой кўр киргү.

Ҳозир шуларни айтсанг, эртаққа ўхшайди. Биров ишонди, биров ишонмайди. Яшасанг, қураверар экансан. Худого шукр, ўша кунлар ҳам ўтди-кетди. Наврўзимиз қайтиб келди. Буюм мустақилликда шарофатидан. Кенжамди тўрт яшар ўғли бор. Шугинаям ҳозирдан Наврўзга тайёргарлик кўради. Ҳар кун кечкурун янги уст-бошларни кийиб чиқиб, манга кўз-кўз қилади. Бир дилим ярайди. Ишқилиб, шуларнинг бахтига, илойим, тинчлик-омонлик бўлсин. Биз кўрганларни булар кўрмасин.

«Кўш чикарар» деган қадимдан қолган оdatимиз бор. Айни Наврўзда, экин-тикиндан олдидан, далага ирим учун биринчи қўш солинади. Кейин оқсоқоллар ҳосилнинг файзи-баракаси учун дуо қилишади. Буюм Наврўзди таомил-удуми. Лекин баъзилар шуни унутаяпти, назаримда. Аксар биргаларимиз ёш. Манг унга ўргатмасан, у ўздан кейинига ўргатмасан. Қараб-

НАШИДА

лар, жамики халқни йиғиб, катта тантаналар ўтказди. Ушанда қўёш бараварлик нуқтасига етган баҳорий кун эди. Ҳар ёнда байрам савту сандолари янгарди. Жамшид «ул куннинг отини Наврўз қўйди».

Навоийнинг замондоши, улуг ўзбек шоири Лутфий «Гул ва Наврўз» достониди Наврўз байрамга алоҳида ўрин берган. Шоир Наврўз пайтида оламнинг хуррамликка юз ўғиргани, гир-гир эсган сабонинг ҳаёт-бахш сурурини, чаманлар чиройи жаннатдан нишон берганини завқу шавқ билан тасвирлаб ёзди:

Ушул дамдаки,
олаи эрди хуррам,
Сабо урди, дами
Исоий Марям.
Чаманлар бўлди жаннатдин
намудор
Очилди гул, сочилди
мушки тотор.

Чу Наврўз ўлди
Наврўз ичра Феруз
Ота ўглининг
отин қўйди Наврўз.

Халқимиз асрлар давомида Наврўзни шодибаналар билан қарши олган. У халқнинг севилими байрами бўлган. Табиатнинг бу фурсатда гуллаб-яшнаши кишилар кўнглини ҳаёт-бахш туйғулар билан тўлдирган. XIX асрда Хоразмда яшаб, ижод этган Мухаммад Ризо Оғахий Наврўз байрам пайтидаги табиат ҳусндорлигини таърифлаб ёзди:

Қилиб ойини меҳр оғоз Наврўз,
Келиб киш фаслин этти
ёз Наврўз.
Жаҳон сар то қадам
файзу сафода
Бўлиб жаннатга фаз
андоз Наврўз.
Ҳама эл айш базмига
қилиб майл
Тараб қонунин этди
соз Наврўз.

Азиз ҚАЙМОВ.

ХАЙРИЯ МАРАФОНИ

Самарқандда вилоят ҳокимлигининг ташаббуси билан «Соғлом авлод учун барчамиз масъулимиз» шiori остида хайрия марафони бўлиб ўтди. — Юртбошимиз томонидан 2000 йилнинг «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган маҳаллалар зиммасига ҳам юксак масъулия юклатди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимининг раиси Т. Курбонов. — Негаки, ҳар қандай эзгу иш, ибратли ташаббус энг аввало маҳаллада бошланади. Бугунги хайрия марафониди ҳам маҳаллаларимиз фаол қатнашаяпти.

Шу кунги хайрия марафони жамғармасига ЎзБАТ қўшма корхонаси 12 миллион сўм пул қўйди. Самарқанд шахрининг ҳиссаси эса 10 миллион сўмни ташкил этди. Яна қўллаб қорхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар яхши ниятлар билан соғлом авлод учун хай-ру эҳсон қилишди.



А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ГОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Наврўз байрами арафасида сирдарёлик бир гуруҳ ишбилармон ва тадбиркорлар «Ташаббус-2000» кўрик танловининг вилоят босқичида иштирок этиш учун Гулистондаги Олим Хўжаев номи мухикали ва драма театрига ташриф буюришти. Унлаб фермер, ишбилармон ва хунармандларнинг бу ерга олиб келган маҳсулотлари томошабинлару ҳайрат аъзоларини бирмунча шошириб қўйди. Танловга қўйилган минг хилга яқин саннат ва уй-рўзгор буюмлари, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари Сирдарёда ҳам қўллаб ўз ишининг усталари фаоллиқ кўрсатганлигига гувоҳлик беради.

Энг яхши тадбиркор йўналиши бўйича биринчи ўрин Янгиер шаҳридаги «Шодлик-Р» хусусий савдо-ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи Роза Ваҳобовага, энг яхши фермер йўнали-

Кўш хабар

ш бўйича бош соврин Оқолтин туманидаги Ж.Ержонов номи фермер хўжалиғи раҳбари Қўнарбой Жумабековга ва энг яхши хунарманд йўналиши бўйича биринчи ўрин Шароф Рашидов туманидан ташриф буюрган чевар Ойлар Холбоевларга насиб этди.

ИЛК МАҲСУЛОТ — ИСТЕЪМОЛЧИГА

Бахт шаҳридаги «Оқолтин» ўзбекистон-Литва қўшма корхонаси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Қисқа муддат ичиди корхонада салкам 20 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ана шу маҳсулотлар Наврўз байрами арафасида дўкон ва бозор пештахталарини тўлдирди бошлади. Қўшма корхона бош директори Гуломжон Фозилович таъкидлашчи, иш шу маромада кетадиган бўлса, улар йилига 200 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариши имконига эга бўлишади. Қўшма корхонада матрас, қўрпа-тўшак, фуфайка ҳамда эркаклар шими тайёрланади. Маҳсулотнинг бир қисми чет элга экспорт қилиниши мўлжалланмоқда.

БОРИ ЯХШИ

дан менга қаради. Меҳрибон, самийи кўзлари порлади. — Сиз... ҳикоялар ҳам машқ қилиб кўринган, Санатхон. Қўлингиздан келади, — деди. — Ҳозир мана шу мақолангизни ўқиб, шу фикрга келдим. Яшанг, яхши ёзибсиз! Йўл бошида турган қаламжаш учун яна нима керак? Ҳеч нарса! Назаримда шу чок қанот чиқариб, оппоқ булбуллар орасида учиб юргандек бўлдим...

УДУМЛАР, УДУМЛАР, УДУМЛАР

Қадимги ақидаларга кўра, Наврўз кунини ўйин-қулги, шод-хуррамликда ўтказган киши бутун йил давомида ана шундай қувонқликда умр кечирар экан, деб ёзди Умар Хайём ўзининг «Наврўзнома» асарига. Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида эса шундай бир ривоят бор: «Афсунгарлар айтишича, Наврўз кунини тонг отганда, бирон гап гапиришдан олдин уч қошиқ асал ялаб, ўч бўлак (хушбўй) мум тутатса, бу кўп касалликларга шифо бўлармиш».

Санъат МАХМУДОВА.



*Азиз ташаккулотлар ва қўшма корхоналар!
Қадриятли акциядорлар ва мижозлар!*

Акциядорлик-тижорат
«ПАХТА-БАНК»
кенгаши ва бошқаруви

*Сиз азизларни уйғониш,
янгилашни ва яшарни фасли бўлмиш
бахорнинг энг нуфузли байрами*


Наврўзи олам

*билан самимий
муборакбод этади!*

*Қутлуғ Наврўз айёми ҳаммангизнинг
оилангизга хуш кайфият, тинчлик-тотувлик,
хонадонингизга файзу барака олиб кирсин!*

*Мустақил Ўзбекистонимизнинг буюк
келажagini бунёд этиш йўлидаги
сабъ-ҳаракатларингизда Сизларга
омад ёр бўлсин!*

"Пахта-Банк" кенгаши. "Пахта-Банк" бошқаруви.



"СУВЖИҲОЗГАЗ"

ЎЗБЕКИСТОН-ХИТОЙ ҚЎШМА КОРХОНАСИ

**Бутун Ўзбекистон халқини
янгилаш, яшнаш ва ёшарни байрами**

НАВРЎЗИ ОЛАМ

**билан самимий муборакбод этади.
Ва ҳам кўҳна, ҳам навқирон бу ўлканинг
ҳамиша гулаб-яшнаши, янада фаровон
ва обод бўлишини истайди.**

**Ҳар бир кунингиз баҳор
айёмидек фараҳбахш бўлсин,
осуда, тинч ва омонликда кечсин!**

«Сувжиҳозгаз» қўшма корхонаси жамлоаси.



**«БРИТИШ АМЕРИКАН ТОБАКО
ЎЗБЕКИСТОН»**

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ БАҲОРНИНГ
ГЎЗАЛ БАЙРАМИ —**

**НАВРЎЗ
БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ.**

*Баҳорнинг янгилашиш кунларида Ўзбекистоннинг
кўпмиллатли, меҳнатсевар халқига барча
соҳаларда зафар чўққиларини эгаллаш насиб
этишини тилаймиз.*




*Наврўз ҳар бир оиллага тинчлик,
фаровонлик ва бахт
олиб келсин.*

БРИТИШ АМЕРИКАН
ТОБАКО ЎЗБЕКИСТОН.



ЎЗ-ТЕКСАКО



Азиз юртдошлар!

«ЎЗ-ТЕКСАКО» ҚК

сизларни баҳор байрами

НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан муборакбод этиш шарафидан
мамнун эканлигини изҳор қилади.*

**Шу тароватли кунларда
хонадонингизда доимо
тинчлик, тотувлик,
тўкин-сочинлик бўлишини
тилаймиз.**

**Яқинларингиз ва
меҳрибонларингизнинг
сизга бўлган меҳру-
муҳаббати қалбингизни
доимо нурафшон
этин.**



НАВРЎЗ — ЭЗГУЛИК, ГЎЗАЛЛИК ВА МЕҲРИБОНЛИК БАЙРАМИ

«ЁТМОЙТАМАКИСАНОАТ»

УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

**БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ ЭНГ ҚАДИМИЙ,
ЭНГ СЕВИМЛИ МИЛЛИЙ БАЙРАМИМИЗ —**

НАВРЎЗИ ОЛАМ

БИЛАН ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙДИ.

*Озодлигимиз шарофати билан Наврўз том маънодаги меҳрибонлик ва
саховат айёмига айланди. Шу сабаб ушбу гўзал байрамнинг ҳаётбахш зиёси
қалбимизни, ҳаётимизни, хонадонимизни иймон нури ва меҳр-оқибат
туйғулари билан нурафшон этмоқда.*

*Ишончимиз комилки, 2000 йил ҳам ҳар дақиқаси-ю, ҳар куни буюк
ўзгаришларга бой, эртаси мунаввар мамлакатимиз учун тараққиёт йили
бўлажак. Зеро, бугун ватан ва миллат саодати йўлида қилинаётган ишлар
бунга қатъий ишонч уйғотади.*

Азиз ватандошлар!

*Сизларни Наврўз айёми билан муборакбод этар эканмиз, тинчлик, омонлик
ва бахт-саодат ҳамisha ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз. Илоё, ушбу улуғ
ва ёруғ кунларда қилаётган эзгу ниятларингиз, пок тилакларингиз ижобат
бўлсин. Бахт ва саодат ҳамisha Сизларга ёр бўлсин.*

ЖАҲОНГА ЮЗ ТУТГАН ВАТАНИМИЗНИНГ ЭРК ВА ОЗОДЛИГИ АБАДИЙ БЎЛСИН.

ГЎЗАЛ ЎЗБЕКИСТОН ҲАМИША ОМОН БЎЛСИН!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!




 **Pharmed**[®]

Ўзбекистоннинг «Фармед»
хусусий фирмаси ва
«Редди - Фармед Лимитед»
(Ўзбекистон - Хиндистон)
қўшма корхонаси Ўзбекистон халқини

Наврўз - баҳор байрами
билан муборакбод этади.

Созлом авлод йилида сизга сизга
саломатлик, бахт - саodat
ва омонлик тилаймиз.



UZMAKOM

GSM

«ЎЗМАКОМ»
УЯЛИ АЛОҚА КОМПАНИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОННИНГ
БАРЧА АҲОЛИСИНИ

НАВРЎЗ

БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.

СИЗЛАРГА БАХТ, СОҒЛИҚ, ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

Шунингдек, «ЎЗМАКОМ» ҚҚ тақлиф этаётган қулайликлар ҳақида эслатиб ўтамиз:

МАҲАЛЛИЙ УЛАНИШ \$ 150*

ШАҲАРЛАРАРО УЛАНИШ \$ 250-\$ 150*

ХАЛҚАРО УЛАНИШ \$ 350-\$ 250*

ШАХСИЙ АППАРАТ БИЛАН УЛАНИШГА 20% ЧЕГИРМА.

ОЛИБ КЕЛГАН ҲАР БИР МИЖОЗИНГИЗ
УЧУН БИР ОЙГА БЕПУЛ 200 ДАҚИҚА.

КЕЧКИ ВАҚТДА 16-50% ЧЕГИРМА
(23:00-7:00)

* Барча нархлар қўшимча қиймат
солиғисиз кўрсатилган.

Тўлов сўмларда ЎзРМБ нинг тўлов
кундаги курси билан амалга оширилади.

СИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛДА КУТАМИЗ:
ТОШКЕНТ Ш., ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ШК., 8.
ТЕЛ.: (998 71) 100-00-15, 100-00-16,
100-01-62, 100-01-31,
173-00-15.

ФАКС: (998 712) 120-63-78, 100-98-98.

"АТМАСА"

қўшма корхонаси жамоаси

Шу азиз ва мўътабар Ватанда истиқомат
қилаётган юртдошларни қадимий ва гўзал

НАВРЎЗ

байрами билан табриклайди.

Тинчлик, осойишталик, ҳамжиҳатлик,
барча оилаларга сиҳат-саломатлик
ва бахт тилайди.

Юртимиз осмони баҳор
осмонидек доимо мусаффо
бўлсин.

«АТМАСА» қўшма корхонаси.



*«Дар Ал-Салам Групп» баҳор байрами, Наврӯз айёми муносабати билан
Ўзбекистон мамлакати раҳбарияти ва халқини чин дилдан табриклайди.
Ўзбек халқига муваффақиятлар ва барча ишларида ривож тилаб қолади.
Жаннатмакон ўлка — Ўзбекистонда ҳамиша тинчлик, осудалик бўлсин,
Аллоҳ ҳаммамизнинг ишларимизга ривож ва баракотлар ато этсин!*

Дар Ал-Салам Групп.

*«Dar Al-Salam Group» congratulates all Uzbek People
on the occasion of the spring holiday Navruz and sends its best
wishes for success and prosperity.*

*May the land of plenty, named Uzbekistan, be peaceful and flourishing,
and God will give us due development and prosperity!*

Dar Al-Salam Group.

*«Дар Ал-Салам Групп» поздравляет руководство и весь народ Узбекистана по случаю
весеннего праздника Навруз и желает самого наилучшего в деле успеха и процветания.
Да будет мир и спокойствие в райском краю под названием Узбекистан
и да воздаст Аллах нашим делам развитие и благоденствие!*

Дар Ал-Салам Групп.



2684




*«Моторола» компанияси Ўзбекистон
халқини Наврӯзи олам - баҳор,
янгилик ва ёшарин байрами билан
табриклайди. Қувонч ва фаровонлик
сизларга ёр бўлсин!*



MOTOROLA

АССАЛОМ, ФУТБОЛ!



Тўрт тарафни яшиллик буркаб, байрамларни қаторлаштириб ўлкамизга баҳор кириб келди. Халқро хотин-қизлар кунни, ундан кейин Қурбон ҳайити байрами, Наврўзи олам... Улар ёнига футбол байрами ҳам қўшилди.

Маълумки, олдинги мавсумлардан фарқи ўлароқ бу йилги футбол чемпионатининг олий ва биринчи лигаларида йигирматдан жамоа тўп суради. Демак, совинли ўринлар учун бўладиган кураш янада кескинлашади.

18 март куни мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларидаги стадионларда IX миллий биринчилигимизнинг байроғи кўтарилди.

Дастлабки турнинг марказий ўрашувларидан бири Тошкентда — «Пахтакор» ва «Андижон» жамоалари ўрта-

сида кечди. Ҳақиқатда қарм тўп усталарининг ҳужумлари билан бошланган бўлса-да, ҳисобни меҳмонлар очди. Тўғрироғи, пахтакорчиларнинг 11 рақамдаги ҳужумчиси Улугбек Асамбоев кутилмаганда ўз дарвозасига тўп йўллаб «меҳмондустлик» қилди. Шундан сўнг меҳмонлар сардори Азамат Абдураимов пенальтидан ҳисобни тенглаштирди. Танафусгача дарвозалар бошқа ишол эдилди.

Иккинчи бўлимининг дастлабки дақиқаларида устулик андижонликлар томонида бўлди. Ва уларнинг нэвбатдаги ҳужумларидан бирини меҳмонлар ўйин қомдасини бузиш билан тўхта-тишди. Дарвозадан чамаси 35 метрлар узоқликда белгиланган жарима тўпини Ориф Маматқазин қойилмақом

ижро қилди — 1:2. Орадан бир мунча вақт ўтиб, Азамат Абдураимов Ф. Очиловнинг чиройли тўп узатишидан сўнг яна ўзини кўрсатди — 2:2. Учрашув бош ҳақимининг якунлови ҳушга янграгунча икки томон ҳам кўп бора ҳужумлар уюштиришди. Бироқ дарвозаларга бошқа тўп киритилмади.

Шу турнинг қолган ўйинларида кўйидаги натижага қайд этилди: «Металлург» — «Турон» — 0:0, «Трактор» — «Хоразм» — 1:0, «Сўғдиёна» — «Сурхон» — 3:1, «Семурғ» — «Нефчи» — 2:1, «Гулистон» — «Насаф» — 0:5, «Кимёгар» — «Бухоро» — 2:2, «Навбахор» — «Зарафшон» — 2:2, «Темирийўчи» — «Самарқанд» — 0:0.

Иккинчи тур беллашувлари эртага, 22 март куни бўлиб ўтади.

О. РАЖАБОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Д. МИХАЙЛОВ олган сурат.

Саидмахмуд УСМОНОВ



қил этиш борасидаги илмий изланишлари ва услубий тавсиялари ҳозирги пайтда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмай ишлаб чиқаришда қўлланлиб келмоқда.

Таникли иқтисодчи олим С. Усмонов ўзининг ватанпарварлик, ташаббускорлик ва тинимсиз янгиликка интилувчанлик каби фазилатларини шоғирдларига сингирди олган. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида тайёрланган 8 та фан доктори ва 30 та фан номзодлари республика ағдар соҳасида самарали меҳнат қилмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги фанининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган, жонқур раҳбар, давлат ва жамоат арбоби, қишлоқ ҳўжалиги Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи, иқтисод фанлари доктори, профессор Саидмахмуд Нўъмонович Усмонов шу йилнинг 18 март куни 71 ёшида вафот этди.

С. Усмонов 1929 йилда Чимкент шаҳрида туғилган. 1951 йилда Тошкент қишлоқ ҳўжалик институтини тугатган. У ўзининг кўп йиллик меҳнат фаолиятида давлат ва жамоат идораларида раҳбарлик лавозимларида, жумладан, Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги фанлари академияси Президенти вазифасида ишлаган.

Профессор С. Усмонов 200 дан ортиқ илмий мақола, монография яратган, айниқса, унинг қишлоқ ҳўжалигида жамоа ва оила пудрати асосида меҳнатни таш-

буқилишига хос бўлган узок ва сермазмун йўлни босиб ўтди, давлатимиз олдидаги кўп йиллик хизматлари учун бир қатор орден ва медаллар билан мукофотланган.

Республика қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олим, давлат ва жамоат арбоби Саидмахмуд Нўъмонович Усмоновнинг хотираси қалбимизда абадий сақланиб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника Давлат қўмитаси.

Почта миниатюралари дунёси

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТА МАРКАЛАРИНИНГ БИРИНЧИ КАТАЛОГИ ЧОП ЭТИЛДИ

«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти асосан почта тўлов белгилари — маркалар, конвертлар, қорточкалар нашр қилдириш билан шуғулланади. Акциядорлик жамияти фақат «Ўзбекистон почтаси» давлат акциядорлик компанияси алоқа қорхоналари миқозларининг эмас, балки ўз маҳсулотларига талаб ниҳоятда катта бўлган филателия бозори эҳтиёжларини ҳам тўла-тўқис қондириб, муваффақиятли иш юритмоқда.

Бу ўзига хос ноширлик қорхонасининг 1992 йили ташкил этилиши ва муваффақият билан фаолият кўрсатиб келаётганлиги Ўзбекистон мустақиллигининг, келажиги буюк давлатининг, уйғун ривожланган қишлоқнинг мустақам моддий асосга эга бўлган жамиятини барпо этиш мақсадларини кўзлаб амалга оширишдаги алоқа қорхонасининг бир кўринишидир.

«Ўзбекистон маркаси» акциядорлик жамияти (даставвал у «Ўзбекистон маркаси» ноширлик маркаси» деб номланарди) ўз фаолиятининг сизкиз йиллигига атаб «OZBEKISTON RESPUBLIKASI POCHTA MARKALARINING KATALOGI» номи 130 саҳифали нобв китобни чоп этди. Унга Республикада 1992-1998 йиллари нашр қилинган жами 182 та почта маркалари ва блоклари, шунингдек почта конвертлари ва қорточкаларнинг фоторепродукциялари киритилган.

Бу Ўзбекистонда амалга оширилган шу тифа на-шрларнинг биринчиси дейишнинг ўзи етарли бўлмайди. Тўпламининг шундай бир гоят муҳим хусусиятини ҳам таъкидлаш жоизки, муомалага киритилган почта тўлов белгилари каталогда ўз ранглирида, сержило тасвирда ва бирламчи катталигида жойлаштирилган. Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи почта маркаси — «Нодира» 1992 йилнинг маёда чикарилиб, Шарқнинг таникли шоираси Мохларойим — Нодира таваллудининг 200 йиллигига бағишланган эди.

Маълумки, Нодира XIX аср бошлари ўзбек шеъриятида алоҳида ўрин эгаллайди. Урта асрнинг улкан саркардаси ва давлат арбоби Амир Темурга Тошкентда ўрнатилган ҳайкал тасвири туширилган мана бу маркаси (1994 йил) кўринг. «Соҳибқирон Амир Темур» почта блоқи улуг бобоқалонимиз таваллудининг 660 йиллиги нишонланиси муносабати билан 1996 йили чикарилган эди. Махсус бир серия — Почта блоқи ва тўрта марка (уларнинг учтаси купон билан) 1994 йили чикарилиб, бошқа бир буюк давлат арбоби ва астроном олими Мухаммад Тарағай Улугбек таваллудига бағишланган. Кейинроқ Фитрат, Чўлпон, Бердақ ҳайкали, Бехзодларнинг тасвирлари туширилган маркалар чикарилди.

Лекин рангли почта миниатюралари фақат оламага доврўкли тарихий шахслар хотирасигагина бағишлаб чоп этилмайди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг байроғи, гербига бағишланган маркалар ҳам чикарилди. Қўраб маркаларда мамлакатимиз маданияти ва қадимий мейморчилигининг тарихий ёдгорликлари — Буюк ипақ йўлининг ўзига хос кўринишлари фодаланган. Сериялар, алоҳида маркалар ва блокларда республикамизнинг нобв хайвонлари ва ўсимликлари ўз аксини топган. Миллион-миллион

Миллий мафкура ва масъудият

Республика «Маънавият ва маърифат» маркасида «Миллий мафкура тарихининг долзарб муаммолари» мавзусида давра суҳбати бўлди. Унинг иштирокчилари инсон ва жамият ҳаёти ҳамда фаолияти учун маънавиятнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини таъкидлаб, ҳар бир жамият ўз эҳтиёж-

ларига мос маънавий кадрларни тизимини, мафкуравий йўналишларни, дунёқарашга оид нуқтаи назарларни шакллантириб боришига эътиборни қаратишди. Шу мавзуда маънавият тараққийтимизнинг шарти, воситаси ва максадидир.

Айрим кишиларнинг ҳақон эски мафкурадан халос бўлиб олиши қийин кечаётганлиги, тилимизга бўлган муносабат, оммавий ахборот воситаларининг миллий ахлоқ ва одоб борасидаги чиқишлари, халқимизнинг дунё микёсида фикрларини ўрганиши ва бошқа муаммолар кенг мунозара мавзуи бўлди.

Феруза САЙДАМАТОВА.

Advertisement for BUZTEL GSM featuring a cityscape, a mobile phone, and a SIM card. Text includes: 'Sizga sog'lik, omad va muvaffaqiyat tilaymiz!', 'Dermiz dasturxoningiz bo'lsin to'lug', 'Amal-martabangiz etuk va ulug', 'Muhtaram xonim va janoblar Navro'zu olam muborak!', 'BUZTEL GSM', 'BUZTEL uyali aloqa kompaniyasi butun Uzbekiston ahlini NAVRO'Z AYOMI bilan tabriklaydi!', 'BUZTEL kompaniyasi "Hallo BUZTEL" lotereya oyinida ishtirok etishingizni taklif etadi !!!', 'Lotereya oyini 16 martdan 16 aprelgacha davom etadi', 'Loterya oyinida ishtirok etish uchun lotereya davomida BUZTEL uyali aloqa kompaniyasi abonentini bo'lishingiz shart.', 'Oynaladigan sovirlar: televizor, magnitafon va fotoapparatlar', 'Sotuv bo'limlari: Shaxrisabsz ko'ch, 7 (Boshpochtamt) Tel: 1320649, 1050505; Unus-Obod, 3 (bozor Unus-Obod) Tel: 1054707; Qatortol, 60 (Imperial clubi) Tel: 1050005', 'Bizning uyali tarmoqqa ulaning va utuqqa ega bo'ling !!!', 'Diqqat !!!', '«Бизнинг салонга келмасиз, гузаллиқни кўрмабсиз...»', 'UZ BLISS', 'Ўзбекистон-Жанубиу Корея кўшма қорхонаси.', 'Манъилимиз: ТОШКЕНТ ш. Халқлар Дустилиги шк., 3. т/ф 173 63 82 тел. 173 71 66.', '«Турон» жамоа ҳўжалиги тугатилиши ва ширкат ҳўжалиги сифатида қайта ташкил этилиши муносабати билан барча мулкий даъвогарлар бир ой мuddат ичида ҳўжалик бошқарувиға мурожаат қилишлари шарт.', '2668'

Advertisement for BUZTEL GSM featuring a cityscape, a mobile phone, and a SIM card. Text includes: 'Sizga sog'lik, omad va muvaffaqiyat tilaymiz!', 'Dermiz dasturxoningiz bo'lsin to'lug', 'Amal-martabangiz etuk va ulug', 'Muhtaram xonim va janoblar Navro'zu olam muborak!', 'BUZTEL GSM', 'BUZTEL uyali aloqa kompaniyasi butun Uzbekiston ahlini NAVRO'Z AYOMI bilan tabriklaydi!', 'BUZTEL kompaniyasi "Hallo BUZTEL" lotereya oyinida ishtirok etishingizni taklif etadi !!!', 'Lotereya oyini 16 martdan 16 aprelgacha davom etadi', 'Loterya oyinida ishtirok etish uchun lotereya davomida BUZTEL uyali aloqa kompaniyasi abonentini bo'lishingiz shart.', 'Oynaladigan sovirlar: televizor, magnitafon va fotoapparatlar', 'Sotuv bo'limlari: Shaxrisabsz ko'ch, 7 (Boshpochtamt) Tel: 1320649, 1050505; Unus-Obod, 3 (bozor Unus-Obod) Tel: 1054707; Qatortol, 60 (Imperial clubi) Tel: 1050005', 'Bizning uyali tarmoqqa ulaning va utuqqa ega bo'ling !!!', 'Diqqat !!!', '«Бизнинг салонга келмасиз, гузаллиқни кўрмабсиз...»', 'UZ BLISS', 'Ўзбекистон-Жанубиу Корея кўшма қорхонаси.', 'Манъилимиз: ТОШКЕНТ ш. Халқлар Дустилиги шк., 3. т/ф 173 63 82 тел. 173 71 66.', '«Турон» жамоа ҳўжалиги тугатилиши ва ширкат ҳўжалиги сифатида қайта ташкил этилиши муносабати билан барча мулкий даъвогарлар бир ой мuddат ичида ҳўжалик бошқарувиға мурожаат қилишлари шарт.', '2668'

«ХАЛҚ СҮЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), С. ЗИНИН, М. МИРАЛИМОВ, Ш. МУХИДИНОВ, М. САФАРОВ, Р. ФАРХОДИЙ, И. ХУДОЕВ, И. ШОҒУЛОМОВ, О. ҚАНТИБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. ҚОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Иجتимой-сўсий ҳаёт — 133-57-34; Ҳуқуқ — 136-07-94; Иқтисодиёт — 136-36-65; Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65; Хатлар — 136-29-89, 133-07-48; Фан, соғлиқни сақлаш ва иجتимой масалалар — 132-12-08; Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15; Халқаро ҳаёт — 132-11-15; Котибият — 133-10-28; Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 196, 27017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютерда терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ. Навбатчи муҳаррир — Ж. САБДУЛАЕВ. Навбатчи — А. ШОКИРОВ. Мусахҳих — Ш. МАНРАББОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахриратда ҳажми 5 қоғоздан эиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 22.15 1 2 3 4 5 6